



Инвестиция лойихасида умумий суммаси 0,5 млн АҚШ доллар этиб кўрсатилган.

Бухоро вилояти эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари Маъмурий кенгашининг 2019 йил 13 декабрдаги 17-сонли йиғилиш баёнининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 январдаги 29-сонли қарори билан тасдиқланган “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Низомнинг 11-бандига мувофиқ “Бухоро агро” эркин иқтисодий зона дирекциясини сақлаш харажатлари учун эркин иқтисодий зона қатнашчиларидан ҳар ойда мутаносиб равишда ишлаб чиқариш фаолиятини бошлагандан сўнг базавий ҳисоблаш миқдорининг 12 (ўн икки баравари) миқдорида эркин иқтисодий зонага ажратмалар, 2.2-бандида эса 2020 йилнинг январь ойдан бошлаб кейинчалик ҳар ойнинг 5-санасигача йиллик сумманинг 1/12 қисми миқдорида ажратмалар тўлаб бориш мажбурияти белгиланган.

Тарафлар ўртасидаги шартноманинг 7.2.4-бандига кўра жавобгар корхона ишлаб чиқариш фаолиятини бошлагандан сўнг “Бухоро агро” эркин иқтисодий зона дирекциясини ривожлантириш фондига эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари Маъмурий Кенгаши томонидан тасдиқланган ажратмаларни ҳар ойда тўлаб бориш мажбуриятини олган.

Шартнома шартлари ва мажбуриятлари жавобгар томонидан бажарилмаслиги натижада, даъвогар шартномавий мажбуриятни бажармаган жавобгарни судга беришга асос бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 236-моддасида мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундан шартлар ва талаблар бўлмаганида эса – иш муоамала одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши кераклиги кўрсатилган.

Мазкур кодекснинг 237-моддасида мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортишга ва шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддаси биринчи қисмига кўра, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун агар қонунларда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб бериши кўрсатилган.

Тарафлар ўртасидаги шартноманинг 7.2.4-бандига кўра корхона ишлаб чиқариш фаолиятини бошлагандан сўнг “Бухоро агро” эркин иқтисодий зона дирекциясини ривожлантириш фондига эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари Маъмурий Кенгаши томонидан тасдиқланган ажратмаларни ҳар ойда тўлаб бориш мажбурияти жавобгарга юклатилган бўлсада, амалга оширилган ишлар учун лозим даражада тўловлар амалга оширилмаган.

Иш суд мажлисида кўрилаётган кунга қадар, жавобгар даъво талабини умуман тўламаган. Ушбу ҳолат даъвогарнинг судгача тақдим этган маълумотномаси билан тасдиқланади.



Шу сабабли суд, даъво талабининг асосий қарз қисмини тўлиқ, яъни 4.694.215 сўмга қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси биринчи қисмида суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдorigа мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилиши кўрсатилган

Суд, юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-179, 203<sup>2</sup>-203<sup>5</sup>-моддаларини қўллаб,

### **Қ А Р О Р   Қ И Л А Д И :**

1. Даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилсин.
2. Жавобгар - Ромитан туманидаги “ХХХ” масъулияти чекланган жамиятидан даъвогар – “Бухоро-Агро” эркин иқтисодий зона дирекцияси давлат унитар корхонаси фойдасига 4.694.215 сўм асосий қарз ва олдиндан тўланган 330.000 сўм давлат божи ҳамда 33.000 сўм почта харажати ундирилсин.
3. Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, шу ҳақда ижро варақа берилсин.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози тараф ўн кунлик муддат ичида шу суд орқали белгиланган тартибда апелляция тартибида шикоят қилиш ёки протест келтиришга ҳақли.

**Судья**

**Х.Г.Абдуллаев**

